

“КИТАБ МАСАЛИК АЛ-МАМАЛИК” АСАРИДА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ТАРИХИЙ ТОПОНИМИЯСИ

ХУДАЙБЕРГАНОВ РАВШАН

Мустақил изланувчи, ТошДШИ

Аннотация. Мақола Марказий Осиёнинг IX–XIII асрларда мавжуд бўлган тарихий топонимларни ўрганишда бугунги кунда мавжуд бўлган муаммоларни ёритишга бағишланган. Топонимларнинг тарихий манбалар қўлёзма ва нашрларидаги “шакл”лари атрофлича таҳлил қилинган.

Таянч сўз ва иборалар: Истахрий, қўлёзма, топоним, этимология, тарихий манба.

Аннотация. Статья посвящена существующим проблемам в изучении топонимов Центральной Азии, приводящихся в источниках IX–XIII вв. Подробно рассматриваются «виды» топонимов в рукописных книгах и изданиях.

Опорные слова и выражения: Истахри, рукопись, топоним, этимология, исторические источники.

Abstract. The article is devoted to the existing problems in the study of toponyms of Central Asia, which are cited in the sources of the 9th–13th centuries. The “types” of toponyms in manuscripts and publications are considered in detail.

Keywords and expressions: Istakhri, manuscript, toponym, etymology, historical sources.

Марказий Осиёнинг IX–XIII асрлар тарихий географиясини ўрганишда катта бир маълумотни араб тилидаги манбалар беради. X аср географи Истахрийнинг “Китаб масалик ал-мамалик” (Ўлкалар йўллари китоби) ҳам бу борада аҳамиятли манбалардан ҳисобланади.

“Китаб масалик ал-мамалик”даги охирги иқлим “Мовароуннахр”нинг ўзида тўрт юзга яқин бирор жой билан боғлиқ номнинг зикр этилиши бу борада унинг манбавий аҳамияти қанчалик эканини кўрсатиб турибди. Бугунги кунда асарнинг танқидий матнлари, бошқа тилларга терма ва тўлиқ таржималари амалга оширилган бўлса ҳам етарлича ўрганилган деб бўлмайди. Тарихий жой номларини ўрганишдаги ҳолат манба устида тадқиқ қилиниши керак бўлган масалалардан бири ҳисобланади.

“Китаб масалик ал-мамалик”нинг рус тилига терма таржимаси муайян изоҳлар билан таъминланган ва матнда келган жой номларининг бошқа манбалардаги шакли билан қиёсланган. Лекин, таржимада матнда учраган аксарият жой номларини илмий адабиётларда қўлланиладиган шаклида келтирилади. Мисол учун, шундай жой номларидан бири

“Нуджкет”¹. Асар матнида мазкур жой “نوجكت” шаклида ёзилади². Жойнинг ўқилиши борасида Ёкут ал-Ҳамавий (XII аср охири – XIII аср биринчи ярми) ўзининг “Муъжам ал-булдан” (“Мамлакатлар қомуси”) асарида “نُوجَكْت” – “Нувжакас” шаклида ёзилиши ва ўқилишини келтирган³. Бошқа бир мисол, рус тилидаги матнда “Сабат” деб “ساباط”ни айтади⁴. Мазкур икки жой ўзбек тилида ку-

¹ Китаб масалик ал-мамалик ал-Истахри. Перевод с арабского Л.З. Писаревского // Материалы по истории киргизов и Киргизии. – Выпуск I. – Москва: Наука, 1973. – С. 18.

² ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسي الاضطخري. كتاب مسالك الممالك. تحقيق محمد جابر عبد العال الحيني. – القاهرة، 1961. ص – 183.

³ شهاب الدين ابو عبد الله ياقوت بن عبد الله الحموي الرومي البغدادي. معجم البلدان. – بيروت: دار الصادر، 1977. ج. 5. – ص. 309.

⁴ Китаб масалик ал-мамалик ал-Истахри. Перевод с арабского Л.З. Писаревского // Материалы по истории киргизов и Киргизии. – Выпуск I. – М.: Наука, 1973. – С. 18. ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسي الاضطخري. كتاب مسالك الممالك. تحقيق محمد جابر عبد العال الحيني. – القاهرة، 1961. ص – 183.

النهر " عند أسروشة على عشرين فرسخا من سمرقند " – "Ал-С.а.б.а.т.й.: нукталарсиз фатҳали (а) син (с), бир нуктали бе (б) икки алиф (а) орасида. Мовароуннаҳрда, Самарқанддан йигирма фарсах масофада Усрушанадаги шаҳар"¹. Бундай баён услуби қанчалик мукамал бўлмасин, афсуски уларда "Китаб масалик ал-мамалик" асарида учрайдиган барча жой номлари кўрсатилмаган, жуда бўлмаганда, асарнинг ал-Ҳиний амалга оширган танқидий матни учун қабул қилинган шаклларида. Мазкур "Собот" жой номи-нинг "Муъжам ал-булдан" асарида мақола "Сабат" Кисра: "ساباط كسرى: بالمداين" – "Мадаинда" деб бошланади². Яъни бундай ном Мадаинда мавжуд. бу ерда диққатни қаратиш керак бўлган ўрин "ساباط" – "Сабат" сўзининг охириги маҳаллий тилларда учра-майдиган ҳарфи "ط" – "итқи"дир. Бу эса, ма-ҳаллий жой номлари араб ёзувида акс эттирилаётганида араб тилида мавжуд экви-валенти мавжуд бўлган ҳолатда у каби ёзил-ганини кўрсатади. Бу маҳаллий жой номла-рининг араб ёзувида акс эттирилиши ва ўқилиши билан боғлиқ ҳолатлар масаланинг бир томони, холос.

Масаланинг иккинчи томони, бу тарихий асарларнинг қўлёзмалари билан боғлиқ. "Ки-таб масалик ал-мамалик" матнларини ўзаро қиёслаш асносида топонимларнинг бир неча хил ёзилгани эътиборимизни тортди ва шунинг натижасида юзага чиқди. Яъни, тарихий асарлардаги бирор жой номини мазкур қомуслар орқали излашдан олдин ўша номнинг тўғри ўқилганини аниқлашти-риш керак экан. Масала тушунарли бўлиши учун "Китаб масалик ал-мамалик" асари,


умуман ўша давр тарихий манбалари қўлёз-малари, учун хос бўлган асосий ҳолатларни кўриб чиқиш керак.

Биринчи ҳолат, "Китаб масалик ал-мама-лик" асари қўлёзмаларида "диакретик белги-лар", яъни "нукталар" ҳар доим ҳам қўлла-нилмаган. Мисол учун "Мовароуннаҳр" иқлимнинг бошидаги маълумотни олиб кўрайлик. У асарнинг Қоҳира нашрида қуйи-дагича келган:

ما وراء النهر

وأما ما وراء النهر فيحيط به من شقيه : فامر وراشت ، وما يتاخم الختل من أرض الهند على خط مستقيم ، وغربيه بلاد الغزيرة والخرلجية من حد طراز ، ممتدا على التقويس حتى ينتهى إلى فاراب وبيسكند وسغد سمرقند ونواحى بخارى إلى خوارزم ، حتى ينتهى إلى بحيرتها ، وشماليه الترك الخزلجية من أقصى بلد فرغانة إلى الطراز على خط مستقيم ، وجنوبيه نهر جيحون من لدن بذخشان إلى بحيرة خوارزم على خط مستقيم³؛

Энди айнан шу маълумотни баъзи қўлёз-маларда қандай келганини солиштириб кўра-миз. "Китаб масалик ал-мамалик"нинг маъ-лум энг қадимги нусхаси – Гота нусхасидаги (1484 Искандар йили/1172–73) ҳолат (а ва б расмларга қаранг)⁴.




(а расм. Юқоридаги маълумотнинг қўлёзда келган кўриниши).

¹ أبو سعيد عبد الكريم بن محمد بن منصور التميمي السمعاني. الأنساب. بتصحيح عبد الرحمن بن يحيى المعلمي اليماني. – الفاروق الحديثة. – ج. 7. – ص. 1.
² شهاب الدين أبو عبد الله ياقوت بن عبد الله الحموي الرومي البغدادى. معجم البلدان. – بيروت: دار الصادر، 1977. – ج. 3. – ص. 166.

³ أبو اسحق إبراهيم بن محمد الفارسي الاصطخرى. كتاب مسالك الممالك. تحقيق محمد جابر عبد العال الحينى. – القاهرة، 1961. ص. 161.

⁴ Scheicho Abu-Ishako el-Faresi vulgo el-Isstachri. Liber climatum. Ad similitudinem sodicis Gothani accuratissime delineandum et lapidibus exprimendum curavit J.H. Moeller. – Gothae: Libraria Beckeriana, 1839. – P. 112.



(б расм. Матнга қўйилмаган нукталар кизил рангда қўйилгандан кейинги ҳолати).

Суратларда асарнинг биринчи сўзларида-ноқ “فحيط” – “ўраб туради” сўзи “فحيط” шаклида, “شرقیه” – “унинг шарқ томони” сўзи “شرقیه” шаклидаги оддий сўзлар билан бир қаторда “راشت” – “Рошт” жой номи “راست” шаклида, “الختل” – “ал-Хуттал” шаклида ва кейинги сўзларда ҳам нукталарнинг ё қисман, ёки барчаси тушиб қолганини кўришимиз мумкин.

Худди шундай ҳолат асарнинг бошқа қадимий – Лейден (589/1193 йилда кўчирилган), Берлин (кўчирилган санаси 589/1193) ва бошқа нусхаларида ҳам учрайди¹. Бу, қўлёзмаларда нукталар нафақат жой номларида, умуман бутун матнларда ҳам қўйилмаслик одатий ҳолат экан, кўчирувчи нукталарни сўзни ўқий олмагани учун тушириб қолдирган бўлиши мумкин деб хулоса қилмасликка ундайди. Матнлардаги бундай ҳолат тадқиқотчининг жой номларини тўғри ўқиш борасида ишини янада қийинлаштиради.

“Китаб масалик ал-мамалик” қўлёзма матнларини солиштиришда аниқланган бошқа бир ҳолат, бу кўчирувчи томонидан асарни кўчириш чоғида йўл қўйилган хатолари экани маълум бўлди. Афсуски, бу энг кўп учрайдиган ҳолат. Топонимларнинг ёзилиши билан боғлиқ кўплаб хатоларни умумлаштириб қуйида уч ҳолатда кўриб чиқамиз:

Биринчиси, бу бир қўлёзманинг ўзида муайян жой номининг бир неча шаклда ёзилганидаги хатолар. Мисол тариқасида Суғд

водийсидаги “Бармиш” – “Бармиш” дарё номи² Бологна, Бологна университети нусхаси № 3521 нусхасида “Бармисн”, “Бармисн” ва “Бармис” шаклларида³; бугунги Фарғона водийсида мавжуд бўлган шаҳар номи “Бамакахас” асарнинг Эрон бастан музейи нусхасида “Бамакахт” ва “Бамакахс” шаклларида⁴; аш-Шаш – Тараз йўлида жойлашган “Бнр حميد” – “Хумайд кудуғи” жой номи мазкур Бологна, Бологна университети нусхаси № 3521 нусхасида “ونكرد” ва “ونكرد” шаклларида келганини кўрсатишимиз мумкин⁵.

Юқорида келтирилган мисолларга эътибор қаратадиган бўлсак, келтирилган жой номларининг араб ёзувида ёзилиши танқидий матн учун қабул қилинган шаклга нисбатан яқин эканини кўрсатди;

Иккинчи ҳолат, бу қатор жой номларининг асарнинг турли нусхаларида хилма-хил, ҳатто ўнга яқин шаклда, ёзилиши бўлди. Мисол учун, шаҳар қолдиқлари Самарқанддан шимоли-шарқдаги Оқтепамитан қишлоғи ёнида жойлашган “Баркат” – “Баркас” шахридир⁶. Бу жой номи “Китаб масалик ал-мамалик” матнларида⁷ “اناركت”⁸, “اناركت”⁹, “اناركت”¹⁰, “اناركت”¹¹, “اناركت”¹² шаклларида келган.

² ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسي الاضطخري. كتاب مسالك الممالك. تحقيق محمد جابر عبد العال الحيني. - القاهرة، 1961. ص 179.

³ Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum, discriptio ditionis moslemicae. M.J. de Goeje. – Lugduni Batavorum: Brill, 1967. – P 319.

⁴ ابو اسحق ابراهيم الاضطخري، مسالك وممالك (ترجمه فارسي مسالك الممالك). بکوشش: ايرج افشار. تهران، 1961. ص 266.

⁵ Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum, discriptio ditionis moslemicae. M.J. de Goeje. – Lugduni Batavorum: Brill, 1967. – P 336.

⁶ ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسي الاضطخري. كتاب مسالك الممالك. تحقيق محمد جابر عبد العال الحيني. - القاهرة، 1961. ص 181.

⁷ Истанбул. Сулаймония кутубхонасидаги № 2613, 156 б варақ ва № 2971, 88 а варақ.

⁸ Истанбул. Сулаймония кутубхонаси № 3156, 109 а варақ.

⁹ ابو اسحق ابراهيم الاضطخري، مسالك وممالك (ترجمه فارسي مسالك الممالك). بکوشش: ايرج افشار. تهران، 1961. ص 252.

¹⁰ Ўша манба. – Б. 252.

¹¹ Ўша манба. – Б. 268.

¹ Лейден, Лейден университети, Ог. 3101. 105 а варақ; Берлин, Берлин давлат кутубхонаси, № 6032. 119 а варақ; Истанбул, Сулаймония кутубхонаси, № 2613, – Б. 127; Истанбул, Сулаймония кутубхонаси, № 2927, 77 а варақ.

Бошқа бир мисол, Самарқанд вилояти Каттакўрғон шаҳридан шимолда жойлашган эски қабристон ҳам шу ном билан аталдиган “بوزماجز” – “Бузмажз” шаҳрини кўрайлик. У асар нусхаларида ⁵ بورما بون ما حر ⁶ بورماحر ⁷ مور ما جن ⁸ مورماجز ⁹ مورماحر ¹⁰ بورماحر шаклларида учрайди. Бундай жой номлари матнларда талайгина.

Муайян жой номининг ҳар бир нусхада турлича ёзилиши билан боғлиқ бундай ҳолатни фақатгина кўчирувчи томонидан йўл қўйилган хато деб баҳолаш мумкин. Бир жой номининг баъзан ўнлаб шаклда ёзилиши улар орасидан энг тўғри ёзилганини аниқлаш масаласини ҳам кўтаради. Бу жой номларининг тўғри ўқирилиши аниқлашдаги мавжуд қийинчиликлардан яна биридир;

Учинчи ҳолат. “Китаб масалик ал-мамалик” матнларида жой номларининг турлича ёзилганини юқоридаги мисолларда кўриб чиқилди. Энди шундай номларнинг бошқа тарихий манбалардан фарқ қилиши билан боғлиқ ҳолатлардан баъзилари билан танишсак.

Амударёнинг юқори оқимидаги дарё “برسان” “Барсан” асаридаги бошқа жой номлари каби бир неча хилда ёзилган¹¹. XII аср

муаллифи Идрисийнинг (492/1099–559/1164) “Нузхат ал-муштақ фи ихтирақ ал-афак” (“Уфқларни кезишга муштокнинг саёҳати”) асарида “ثان” ва “بلبان” шаклларида келган¹²;

Чоч вилоятининг ислом давридаги пойтахти, ўша даврдаги жойлашган ўрни бугунги Шимолий вокзал ёнида, Салор ариғининг бўйидаги Мингўрик харобалари ўрнида ва унинг атрофларида бўлган, X асрда ривожланган ва гуллаб-яшнаган шаҳар¹³ “بنكث” – “Бинкас” Истахрий асари матнларида ўнга яқин шаклда ёзилган¹⁴. У Самъоний асарида ҳам “بنكث” – “Бинкас” дейилган. Ушбу жой номи бошқа манбалардан X асрда яратилган муаллифи номаълум “Худуд ал-Олам” асарида “بيكث” шаклида ёзилган экан¹⁵. Абу Райхон Беруний (973–1048) маълумотида кўра Бинкас шаҳри туркчада Тошканд (تاشكند), юнончада эса “тош қалъа” деб аталган¹⁶. Махмуд Қошғарийга (XI аср) кўра, “تاركان” Таркан – Шош [Тошкент]нинг исми. Униг асли تاش كند Таш канд бўлиб, тошдан қурилган шаҳар демакдир¹⁷. Бинкасининг номи суғдча *рун* – “очмоқ”, *рп* – “узун” ва *каθ* – “қишлоқ” сўзларидан ясалган¹⁸;

¹¹ ابو اسحق ابراهيم الاصطخرى، مسالك وممالك (ترجمه فارسی مسالك الممالك). بکوشش: ایرج افشار. تهران، 1961. – ص. 258.

² Ўша манба. – Б. 269.

³ Ўша жойда.

⁴ Scheicho Abu-Ishako el-Faresi vulgo el-Issthachri. Liber climatum. Ad similitudinem sodicis Gothani accuratissime delineandum et lapidibus exprimendum curavit J.H. Moeller. – Gothae: Libraria Beckeriana, 1839. – P. 121.

⁵ Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum, discriptio ditionis moslemicae. M.J. de Goeje. – Lugduni Batavorum: Brill, 1967. – P 320; Берлин, Берлин давлат кутубхонаси, № 6032. 132 б варак.

⁶ Abu Ishak al-Farisi al-Istakhri. Viae regnorum, discriptio ditionis moslemicae. M.J. de Goeje. – Lugduni Batavorum: Brill, 1967. – P 320.

⁷ Ўша манба. – Б. 320.

⁸ Ўша жойда.

⁹ Ўша манба. – Б. 322.

¹⁰ Ўша манба. – Б. 320.

¹¹ ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسی الاصطخری. کتاب مسالك الممالك. تحقیق محمد جابر عبد العال الحینی. – قاهرة، 1961. ص – 189.

¹² ابو عبد الله محمد بن عبد الله بن ادريس الحمودى الحسنى المعروف بالشريف الادريسي. نزهة المشتاق فى اختراق الافاق. – قاهرة: مكتبة الثقافة الدينية. – ج. 1. – ص. 482.

¹³ Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. Мовароуннахр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Ш.С. Камолиддин. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 240.

¹⁴ ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسی الاصطخری. کتاب مسالك الممالك. تحقیق محمد جابر عبد العال الحینی. – قاهرة، 1961. ص – 185.

¹⁵ Худуд ал-алем, Рукопись туманского с введением и указателем В. Бартольда. – Ленинград: Издательство Академии наук СССР, 1930. – С. 48.

¹⁶ Абу Рейхан Бируни. Индия / Перевод с арабского А.Б. Халидова и Ю.Н. Завадовского. Комментарии В.Г. Эрмана и А.Б. Халидова // Избранные произведения. Т. II. – Т.: Изд-во АН УзССР, 1963. – С. 271.

¹⁷ Махмуд Қошғари. Девон луғат ат-турк. араб итилидан таржима ва изоҳлар У. Муталлибовники. – Т.: Фан, 1960. – Ж. I. – Б. 414.

¹⁸ Қаранг: Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. Мовароуннахр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Ш. С. Камолиддин. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 240.

Бошқа бир мисол, бугунги кунда Тўй-тепадан шимоли-ғарбда Қорасув ариғининг ўнг қирғоғида жойлашган, Кулқоратепа аталадиган жой ўтмишда “بالايان” – “Балайан” деб айтилган. Бу номнинг ёзилиши борасида ҳам Истахрий асари матнларида аввалгиларида бўлгани каби ҳолат такрорланади. Бу жой номи тарихий манбалардан “Худуд ал-Олам”-да “بالايان” – “Йалабан” шаклида келтирилган¹ бўлиб, “Китаб масалик ал-мамалик” нусхаларидаги бирорта шаклга мос тушмайди².

Яна бир мисол “كبرنه” – “Кабарна” билан боғлиқ. Бу шаҳарнинг харобалари Тошкентдан 25 км шарқда, Янгибозор шаҳридан 6 км масофада Кавардон қишлоғининг шимолий чеккасида жойлашган. Ривоятга кўра, қадимда бу ерда мавжуд бўлган шаҳарнинг номи Кабарбанд бўлган. Бу ном ҳам “Худуд ал-Олам” асарида Истахрий асаридан фарқли – “كبريه” – “К.брийа” шаклида келган экан³. Бу жойнинг этимологияси борасида фанда баъзи қарашлар мавжуд. Ислондан олдинги Чоч тангаларида унинг номи суғдий ҳарфларда *kprnw xwβ* – “Кабарни ҳукмдори” шаклида ўқилган эди⁴. Лекин охири вақтда қўлга киритилган янги маълумотлар бу суғдий ёзувларнинг мазкур ўқилишини тасдиқламади. Унинг номининг келиб чиқиши суғд, араб ёки форс тиллари билан боғлиқ эмаслиги маълум бўлди. Чунки- *a* (-на) қўшимчаси бу тилларда ишлатилмайди. Демак, бу ном бошқа бир тилдаги сўзлардан ясалган.

Бу ном Ибн ал-Асир асарида келган Каспий денгизидаги “Субурна” (سبرنه) жой номи билан солиштириш мумкин. У туркий тилда “сув бурни” маъносини англатади⁵.

Навбатдаги мисол сифатида “كداك” – “Кадак”ни келтиришимиз мумкин⁶. Бу жой номи тарихий манбалардан Ибн Ҳавқалда “كداك” – “Казак”⁷, “Худуд ал-Олам”да “كرال” – “К.рал”⁸, Ибн Хўрдабехда “كبال” – “Қубал”⁹ шаклида келтирилган. “Кадоқ” суғдча *kt* – “уй” ёки *knd* – “шаҳар” сўзидан ясалган¹⁰.

Тарихий манбалар орасида жой номларининг ёзилиши борасидаги тафовутларга охириги мисол сифатида “كاربنج” – “Карбанж”ни кўриб чиксак¹¹. Мазкур жой номи бошқа қатор тарихий манбаларда: “كاربنج” – “Карбанж” Идрисийда¹² ҳам, “كاوېنج” – “Кавбанж” Ибн Ҳавқалда, “كاربنك” – “Карбанк” Муқаддасий ва Идрисийда ёзилган.

Тарихий топонимларнинг манбалардаги кўринишлари ҳақида сўз кетганида бир туркум манбаларга муайян жой номининг параллел икки хил кўриниши ёки вақт ўтиши

¹ Худуд ал-алем, Рукопись туманского с введением и указателем В. Бартольда. – Л.: Издательство Академии наук СССР, 1930. – С. 48.

² Қаранг: Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. Мовароуннахр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Ш. С. Камолиддин. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 253.

³ Худуд ал-алем, Рукопись туманского с введением и указателем В. Бартольда. – Л.: Издательство Академии наук СССР, 1930. – С. 48.

⁴ Ртвеладзе Э.В. Нумизматические материалы к истории раннесредневекового Чача // Общественные науки Узбекистана. – № 8. 1982. – С. 35.

⁵ Қаранг: Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. Мовароуннахр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Ш. С. Камолиддин. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 246–247.

⁶ ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسي الاضطري. كتاب مسالك الممالك. تحقيق محمد جابر عبد العال الحيني. – القاهرة، 1961. ص 185.

⁷ ابو القاسم بن حوقل النصيبي. كتاب صورة الارض. – بيروت: دار المكتبة الحية، 1992. – ص. 416.

⁸ Худуд ал-алем, Рукопись туманского с введением и указателем В. Бартольда. – Л.: Издательство Академии наук СССР, 1930. – С. 48.

⁹ ابو القاسم عبيد الله بن عبد الله ابن خردادبه. المسالك والممالك. – لندن: بريل، 1889. – ص. 29.

¹⁰ Қаранг: Ибн Ҳавқал. Китоб сурат ал-арз. Мовароуннахр. Араб тилидан таржима ва изоҳлар муаллифи, тарих фанлари доктори, профессор Ш. С. Камолиддин. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2011. – Б. 250.

¹¹ ابو اسحق ابراهيم بن محمد الفارسي الاضطري. كتاب مسالك الممالك. تحقيق محمد جابر عبد العال الحيني. – القاهرة، 1961. ص 189.

¹² ابو عبد الله محمد بن عبد الله بن ادريس الحمودى الحسنى المعروف بالشرىف الادريسي. نزهة المشتاق فى اختراق الآفاق. – القاهرة: مكتبة الثقافة الدينية. – ج. 1. – ص. 488.



билан трансформациясига учраган ҳолатлари ҳам мавжуд бўлганини унутмаслик керак. Биринчи ҳолатга Қарши шаҳрининг ўтмишидаги номлари: “نخشيب” – “Нахшаб”, “نسف” – “Насаф” ва “قرشي” – “Қарши” яхши мисол бўла олади. Иккинчи ҳолатга эса, “الختل” – “ал-Хуттал” ва “ختلان” – “Хутталан, Хатлан”.

Юқоридаги таҳлилларни умумлаштириб, шундай дейиш мумкин:

Бугунги кунда тарихий топонимларнинг ўзбек тилида ўқилишида баъзи камчиликлар мавжуд;

Истахрийнинг “Китаб масалик ал-мамалик” асари матнларидаги муайян жой номи турли шаклларда, хатто нуқталарсиз келган

бўлса ҳам тарихий топонимларни ўрганишда ўз аҳамиятини йўқотмаган;

Тарихий асарлар нашрларига қабул қилинган топонимлар шакллари орасида хато ўтган ҳолатлар мавжуд.

Юқоридаги изланишлар натижасида фаннинг ўта мураккаб соҳаларидан бўлган тарихий топонимлар билан боғлиқ тадқиқотлар учун тарихий манбаларда, уларнинг ҳар бир нусхасида учраган – бир қарашда хатолиги аниқ кўриниб турган бўлса ҳам, барча шаклини манбашунослик тадқиқотларида, айниқса асарларнинг илмий-изоҳли таржималари амалга оширилаётганида сақлаб қолиниши керак, деган хулосага келдик.



ОЛИМХОН ИБН МУСОХОН ТОШКАНДИЙНИНГ “ТАЖВИДИ ОЛИМИЯ” РИСОЛАСИ

ИСМАТУЛЛАЕВ АБДУМАННОБ

Таянч докторант, Ўзбекистон халқаро Ислом академияси

Аннотация. Мазкур мақолада XX аср бошларида яшаган тошкентлик олимлардан бири Олимхон ибн Мусохон Тошкандийнинг “Олимия” асаридаги тажвид илмига оид янги маълумотлар берилган. Асарнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари ҳамда асар таркиби ҳақида биринчи бор сўз юритилган. Мақола исломишуносликка оид билимларни бойитишига хизмат қилиши шубҳасиздир.

Таянч сўз ва иборалар: тажвид, қироат, Куръон, рисола, фарз, туркий.

Аннотация. В этой статье представлена новые данные о старо-турецком трактате «Олимия» о науке тажвид Алимхана ибн Мусахана Ташканди, одного из ташкентских ученых, живших в начале XX века. В ней впервые упоминаются рукопись и литографии, а также состав этого произведения. Статья, несомненно, будет способствовать обогащению знаний об исламе.

Опорные слова и выражения: таджвид (правила чтения Корана), чтение, Каран, книга, дозволенное, тюркский.

Abstract. This article presents a new information about the old-Turkish treatise called "Olimiya" by science of Alimkhan ibn Musahan Tashkandi, one of the Tashkent scientists who lived in the beginning of the 20th century. The manuscript and lithography and all the composition of this work was mentioned for the first time in this article. The article will undoubtedly contribute to enriching knowledge about Islam.

Keywords and expressions: Tajweed, Recitation Quran, Quran, brochure, obligatory, turkish.

Маълумки, Мовароуннахрдан етишиб са қўшганлар ва ўз ижодлари билан кейинги чиққан кўплаб олимлар араб тили, фикҳ, авлодларнинг илмий оламини бойитганлар. Бундан кўриниб турибдики, юқорида келтириниб ўтилган илмларнинг асосини куръоншу-